Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 23 август, № 163 (6598) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2016 йилнинг 1 октябридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,15 баравар оширилсин.

2. 2016 йилнинг 1 октябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 149 775 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 292 940 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 292 940 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 179 755 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2016 йилнинг 1 октябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2016 йилнинг 1 октябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 26 августдаги ПФ–4751-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2016 йилнинг 1 октябридан ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 22 август

Барчамиз яхши биламизки, ҳаётдаги ҳар қандай ютуқ, айниқса, спорт оламидаги ғалаба ўз-ўзидан келмайди. Спорт майдонларида эришиладиган ютуқ — бу аввало бутун борлиғини сафарбар этиб, ўз олдига қўйган мақсад йўлида ўзини енгиб, ўзини аямасдан, курашиб яшайдиган инсоннинг ютуғи, ана шу инсонни тарбиялаб вояга етказган таълим-тарбия масканининг, бутун жамиятимизнинг ютуғидир.

Ислом КАРИМОВ

БУ — ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЮТУҒИ!

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларида спортчиларимиз 4 та олтин, 2 та кумуш, 7 та бронза медални қўлга киритиб, Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги байрамига ажойиб совға ҳозирлашди.

Дарҳақиқат, тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасида вакилларимиз эришган улкан ғалаба истиқлолимизнинг чорак асрлик байрамини зўр тантана сифатида нишонлаш арафасида турган халқимизга олам-олам қувонч бағишлаб, янада кўтаринки кайфият бахш этди. Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг “Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машҳур қила олмайди”, деган сўзи яна бир бор ўз тасдиғини топди. Рио-де-Жанейрода маҳорати, шижоати, қатъияти билан мухлису мутахассислар меҳрини қозонган Ҳасанбой Дўстматов, Шаҳобиддин Зоиров, Фазлиддин Ғойибназаров, Руслан Нурудинов, Шаҳрам Ғиёсов, Бектемир Меликўзиев, Ришод Собиров, Диёрбек Ўрозбоев, Рустам Тўлаганов, Муроджон Аҳмадалиев, Элмурод Тасмуродов, Ихтиёр Наврўзов ҳамда Магомед Ибрагимов тимсолида жаҳон аҳли спортчиларимизнинг бугунги салоҳиятини кўрди ва тан олди. “Ўзбекистон бокс мактабидан ўрганиш керак”, “Ўзбекистон оғир атлетикачиси — янги рекордчи”, “Ўзбекистон — маҳоратли полвонлар Ватани” сингари ҳар биримизга чексиз фахр бағишлайдиган турли эътирофлар янгради.

(Давоми 4-бетда).

“Рио — 2016”нинг фақат бокс мусобақаларида 76 давлатдан 287 нафар атлет совринли ўринлар учун курашди. Якунда 3 та олтин, 2 та кумуш ва 2 та бронза медални қўлга киритган Ўзбекистон чарм қўлқоп усталари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни банд этди. Кейинги поғоналардан Куба, Франция, Қозоғистон, Россия, Буюк Британия, АҚШ, Бразилия, Хитой, Озарбайжон, Колумбия, Голландия, Хорватия, Финляндия, Германия, Марокаш, Мексика, Мўғулистон ҳамда Венесуэла жой олди.

«ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБЛАР» КИТОБИНИНГ ТЎРТИНЧИ ЖИЛДИ НАШРДАН ЧИҚДИ

«Маънавият» нашриёти томонидан «Президентга мактублар» китобининг навбатдаги — тўртинчи жилди чоп этилди.



Ушбу китобдан 2013 — 2016 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига мамлакатимиз ва хорижий давлатлар фуқаролари ҳамда нуфузли халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, таниқли сиёсатчилар, жамоат арбоблари томонидан келган хатлар ва уларга жавоб мактубларидан айрим намуналар ўрин олган.

Мазкур хатларни ўқир экансиз, турли соҳа ва тармоқларда меҳнат қилаётган, ёши, касбу кори, миллати ва дунёқарашига кўра, бири-биридан фарқ қиладиган мактуб эгаларининг ўй-фикрлари, орзу-интилишлари нақадар холис ва самимий экани, уларни умумий бир хусусият — она-Ватанимизга, халқимизга, Президентимизга меҳр ва ишонч бирлаштириб турганини яққол ҳис қиласиз.

Ватанимизнинг турли ҳудудларидан Юртбошимиз номига юборилган хатлар Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёт манзарасини, барча соҳа ва тармоқларда эришаётган ютуқ ва марраларимизнинг миқёси ва кўлами, уларнинг юртдошларимиз ҳаётига кўрсатаётган ижобий таъсирини бамисоли ёрқин кўзгудек намоён этиши билан аҳамиятлидир.

Бугунги кунда шиддат билан ўзгариб бораётган замоннинг ўзи шуни кўрсатмоқдаки, одамларимиз, аввало, ўзига, оиласига бевосита дахлдор бўлган воқеа-ҳодисалардан, ўзгаришлардан тўғри хулоса чиқариб, бу жараёнда ўзининг ўрни ва таъсири қандай эканини тушуниб, англаб, ҳаётга, келажакка катта ишонч билан яшамоқда. Айни мана шу хусусият барча мактубларнинг бош ғояси, бош мавзуси, десак, хато бўлмайди.

(Давоми 2-бетда).

МАҲАЛЛА ТИНЧ — ЮРТ ТИНЧ

Истиқлолнинг йигирма беш йили давомида мамлакатимиз изчил тараққиёт йўлини босиб ўтди, улкан ютуқ ҳамда муваффақиятларни қўлга киритди.
Бу, албатта, ўз-ўзидан амалга ошаётгани йўқ. Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорида таъкидланганидек, кўпни кўрган, меҳнаткаш ҳамда олижаноб халқимизнинг мардлиги ва матонати эвазига эришаётган бундай марра ҳамда натижалар Ватанимизнинг обрўсини янада юксалтириб, кўпгина мамлакатлар вакилларини қойил қолдираётгани ва уларнинг ҳавасини уйғотаётганини кузатиш қийин эмас.

Дарҳақиқат, кенг қамровли ислоҳотлар самараси бўлмиш оламшумул ютуқларимиз халқаро майдонда ҳам ўз эътирофини топмоқда. Аввало, бунинг замирида Ватанимизда тинчлик ҳамда осойишталик ҳукм сураётгани мужассам. Зеро, шу икки омил ривожланишнинг муҳим шарти экани бугун ҳеч кимга сир эмас. Шу боис истиқлолнинг илк йиллариданоқ тинчлик ва осойишталик кафолати сифатида ички ишлар идоралари тизимида ислоҳот ўтказиш, уни замон талаблари даражасида такомиллаштиришга алоҳида аҳамият қаратилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги қарори билан Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига айлантирилганлиги тарихий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шу боис кейинчалик мазкур сана “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари куни”, деб белгиланди.

(Давоми 2-бетда).

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ОЛДИДАН

Ёшларга оид давлат сиёсати

қонуний асосларини такомиллаштириш баркамол авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади

Парламентимиз юқори палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида кўриб чиқилиши мўлжалланган янги таҳрирдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун келажагимиз эгалари ҳаётида муҳим тарихий воқеа бўлиши кутилмоқда.

Дарҳақиқат, навқирон авлод ҳар бир мамлакатнинг эртанги куни, жамиятда ўзгаришларга сабаб бўладиган, бунёдкорлик ғояларини ҳаётга татбиқ этувчи муҳим куч, салоҳиятли ресурс ҳисобланади. Албатта, ёшларни ижтимоий, маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини тўлақонли рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига қулай шароит яратиш орқали уларни юрт тақдири ва келажагини ҳал қилувчи катта кучга айлантириш мумкин. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки ойларидан эътиборан янги давлат ҳамда жамиятни барпо этиш билан боғлиқ кун тартибидаги долзарб масалалардан бири сифатида ёшларга оид давлат сиёсати ва уни амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Ана шу саъй-ҳаракатлар давоми сифатида 1991 йил 20 ноябрда, давлат мустақиллиги эълон қилинганидан кўп ўтмай, “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Ушбу ҳужжат мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг миллий концепцияси ҳамда айнан эртамиз эгалари манфаатларини ишончли муҳофаза этишга қаратилган дастлабки ҳуқуқий ҳужжат бўлди, десак, муболаға эмас. Унда нафақат ёшлар бўйича давлат сиёсатининг мақсад ва тамойиллари, ҳатто, бугунги кун нуқтаи назаридан улар билан боғлиқ ўта принципиал масалалар ҳам ўз аксини топди. Қонунда илк бор ёшлар ҳаётига оид сиёсат ҳамда дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ёшларимизнинг бевосита иштирок этиши асосий вазифалардан бири сифатида белгиланди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати олтинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси 2016 йил 24 август куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2016 йил 23 август куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

«ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБЛАР» КИТОБИНИНГ ТЎРТИНЧИ ЖИЛДИ НАШРДАН ЧИҚДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ушбу хатларнинг асосий қисмида кўрсатилган меҳр-оқибат ва яхшилик, эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимизга, халқимизга, Президентимизга самимий миннатдорлик туйғулари ифода этилган. Бу бежиз эмас. Нега деганда, халқимиз доимо яхшиликка интилиб, яхшиликни қадрлаб яшайди.

Мухтасар айтганда, бу хатлар юртдошларимизнинг дунёқараши, онгу тафаккури ўзгариб, уларнинг гражданлик позицияси тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради. Бу айни пайтда халқимиз ижтимоий кайфиятининг муҳим устувор кўрсаткичидир.

Мазкур китобда жам бўлган хатларда оддий мактаб ўқувчисидан тортиб, кўпни кўрган тажрибали инсонларгача, ишчи ва муҳандислар, деҳқон ва фермерлар, тадбиркор ва ишбилармонлардан тортиб, шифокор, муаллим ва мураббийларгача, илмий-ижодий соҳа вакилларидан тортиб, ҳарбий хизматчиларгача, қисқача айтганда, бутун халқимизнинг овози баралла эшитилиб туради, десак, муболаға бўлмайди.

Мактуб муаллифлари орасида хорижий давлатларнинг фуқаролари, атоқли давлат ва сиёсат арбоблари ҳам борлиги Президентимизнинг серқирра фаолияти халқаро миқёсда, чет элларда ҳам катта қизиқиш уйғотаётгани — мамлакатимиз қўлга киритаётган улкан марралар жаҳонда тан олинаётгани ва кенг эътироф этилаётганининг яна бир амалий ифодасидир.

Бундай хатларда тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, Ўзбекистон билан чет давлатлар ҳамкорлигининг турли қирралари, халқимизнинг қадимий ва бой тарихи, унинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси, Марказий Осиё минтақаси ва жаҳон миқёсидаги долзарб масалалар ечими бўйича Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилаётган амалий таклиф ва хулосаларнинг аҳамияти ҳақида сўз боради.

Ўйлаймизки, бу тўплам Ўзбекистон Президентининг мустақил тараққиётимизнинг ўта мураккаб ва юксак масъулиятли давридаги самарали фаолияти, мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида халқимиз қўлга киритаётган тарихий ютуқ ва марралар, фуқароларимизнинг жамият ҳаётидаги ўзгариш ва янгиланиш жараёнларига дахлдорлик ҳисси ва бурчи, шу билан бирга, давлатимиз раҳбари томонидан халқаро жамоатчилик вакиллари билан олиб борилаётган самимий ва амалий мулоқотлар ҳақида китобхонларимиз тасаввурларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

ЎзА.

Самарали ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Вьетнам Миллий мажлисининг Фан, технологиялар ва атроф-муҳит масалалари қўмитаси раиси Фан Суан Зунг раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Таъкидланганидек, икки давлат ўртасида иқтисодий, гуманитар, маданиятлараро алоқалар йўлга қўйилган. Ўзбекистон — Вьетнам муносабатлари изчил ривожланмоқда.

Парламентлараро ҳамкорликни мустаҳкамлашда самарали сиёсий мулоқот муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир. Бинобарин, парламентлараро алоқалар доирасида мулоқот алмашувлари мунтазам ўтказиб келинаяпти, демократик ҳамда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий асослари таъминланишини ўрганишга йўналтирилган учрашувлар ва парламент делегациялари ташрифлари уюштирилмоқда.

Вьетнам делегацияси аъзолари мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиланишлар билан танишди. Уларга парламент қуйи палатасининг қонун ижодкорлиги ҳамда назорат-таҳлил фаолияти, парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш, унинг давлатлараро алоқаларни мустаҳкамлашдаги роли ҳақида ахборот берилди.

— Серқуёш мамлакатингиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида келганимдан мамнунман, — дейди Фан Суан Зунг. — Алоҳида қайд этиш жоизки, юртингизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида иқтисодий барқарорлик таъминланмоқда, аҳоли турмуш даражаси юксалаяпти. Биз Ўзбекистон билан икки томонлама, айниқса, парламент соҳасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашдан манфаатдормиз.

Учрашув қатнашчилари парламентлараро алоқаларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, уларни янада ривожлантириш бўйича тадбирлар ташкил этиш, қонун ижодкорлиги бўйича тажриба алмашиш масалаларини муҳокама қилдилар.

Зиёда АШУРОВА.

Ёшларга оид давлат сиёсати

қонуний асосларини такомиллаштириш баркамол авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Энг муҳими, мамлакатимизда ёшларнинг таълим олишидан тортиб, касб-ҳунар эгаллаши, ишга жойлашиши, уй-жойли бўлиши — барчаси давлат эътиборидаги масала бўлиб, бунинг учун давлат органлари билан бир қаторда, жамоат ташкилотларининг, кенг жамоатчиликнинг саъй-ҳаракати йўналтирилди.

1997 йилда ёшларга оид давлат сиёсати доирасида бир йўла иккита муҳим ҳужжат — “Таълим тўғрисида”ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилингани келажагимиз ворисларининг камолотида муҳим аҳамият касб этди.

Бугун ғурур билан айтиш керакки, мамлакатимиз таълим соҳасига йўналтирилаётган йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10 — 12 фоизини ташкил қилмоқда. Ваҳолонки, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич ўртача 3 — 5 фоиздан ошмайди. Бу маблағлар ҳисобига юртимизда ҳар йили юзлаб таълим муассасалари — мактаб, коллеж ва лицейлар, олий ўқув юртлари қайта таъмирланиб, замонавий моддий-техника базасига эга бўлаяпти, республикамизнинг энг узоқ қишлоқларида ҳам спорт мажмуалари қад ростлямоқда.

Эртамиз эгаларига янада кенг имкониятлар яратиш, олий маълумот олаётган ўғил-қизларимизнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш учун тижорат банклари томонидан олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиётган талабаларга имтиёзли шартлар асосида кредитлар ажратиш тизими кенг йўлга қўйилган. Ушбу мақсадларга биргина 2015 йилда 71 млрд. сўмлик кредит йўналтирилди.

Маълумки, бугунги ёшларимиз ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейларда таҳсил олиб, муайян касб-кор эгаси бўлмоқда. Уларда таълим ва меҳнат фаолияти узлуксизлигини таъминлаш чоралари кўрилаётгани эса йигит-қизларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиш имкониятларини кенгайтираётир. Ана шу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига микрокредитлар бериш механизми соддалаштирилиб, янада такомиллаштирилмоқда. Натижада 2010 — 2015 йилларда уларга бизнес фаолиятини бошлашлари учун 692,9 млрд. сўмлик кредит ажратилган бўлса, жорий йилнинг олти ойида 176,5 млрд. сўмлик сармоя берилди.

Буларнинг барчаси юртимизда ёш тадбиркорлар сафининг кенгайишига хизмат қилаяпти, ёшларнинг жамият ҳаётида муносиб ўрин эгаллаши, ўзини ўзи банд қилишнинг самарали механизмларини жорий этиш имконини яратмоқда.

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури талаблари асосида ишлаб чиқилган янги таҳрирдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун ушбу йўналишдаги ишларимизнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Мазкур ҳужжатнинг ҳаётга татбиқ қилиниши эртамиз эгаларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини мустаҳкамлаш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг масъулиятини кучайтириш, соҳада кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини юксалтириш имконини беради.

Шуни айтиш жоизки, Қонунни ишлаб чиқишда юртимизнинг барча ҳудудида ёшлар, тегишли нодавлат ташкилотлари фаол қатнашди, уларнинг таклиф ҳамда фикрлари инобатга олинди.

Сенаторларимиз томонидан Қонуннинг мазмун-моҳиятига бағишлаб жойларда ўтказилган учрашувларда ҳам ёшларимиз фаоллик кўрсатиб, ўз муносабатларини билдиришди. Яқинда қўмита ишчи гуруҳи йиғилишида ҳам бир гуруҳ ёшлар иштирок этганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Навқирон авлод вакиллари Қонуннинг ҳаётга татбиқ қилиниши ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда йигит-қизларимизнинг иштирокини янада кенгайтиришини, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришини, ахлоқий, маънавий ва маданий қадриятларнинг устуворлигини таъминлашини билдиришмоқда.

Келажагимиз эгалари, айниқса, таълим муассасаларида ўқиш учун имтиёзли кредитлар берилиши, ўрта махсус, касб-ҳунар ёки олий таълим муассасасини битирганидан кейин бандликни таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилиши қонуний мустаҳкамлаб қўйилаётганини эътироф этишаяпти. Бу уларнинг келажакда етук мутахассис бўлиб етишишларида жуда ҳам муҳимдир.

Ўз навбатида, ҳуқуқий ҳужжатда ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш масалалари кенг очиб берилаётгани йигит-қизларимизга, айниқса, коллеж битирувчиларига бизнесини йўлга қўйиш, тенгдошларини иш билан таъминлашдаги имкониятларини янада кенгайтиради.

Хуллас, янги таҳрирдаги Қонун ёшлар таълим-тарбияси борасидаги ишларимиз самарадорлигини ошириш, ўғил-қизларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган шарт-шароитларда таълим олиши, касб-ҳунарларни ўзлаштиришлари учун қўшимча кафолатлар яратади.

Исломиддин АБРОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

Ҳасан ПАЙҲОЕВ олган сурат.

Кучли билим, қатъият ва интилиш маҳсули

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул бўйича Давлат комиссияси мамлакатимиз олий ўқув юртларида бўлиб ўтган қабул имтиҳонлари натижаларини тасдиқлади.

АБИТУРИЕНТ — 2016

Президентимизнинг шу йил 26 майдаги “2016/2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги қарорига асосан, олий таълимнинг бакалавриат йўналиши учун 57 минг 907 ўрин ажратилган эди. Шундан абитуриентлар орасидан 19 минг 120 нафари давлат гранти, 38 минг 787 нафари эса тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиниши кўзда тутилган. Бундан ташқари, махсус сиртқи таълим шакли бўйича Тошкент кимё-технология институтининг Қўнғирот бўлимига 65 нафар, Тошкент ахборот технологиялари университетига эса 50 нафар ўғил-қиз талабаликка олиниши мўлжалланган.

— Жорий йилда республикамиздаги университет ҳамда институтлар қабул комиссияларига 663 минг 298 нафар йигит-қиз ҳужжат топширди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази бўлим бошлиғи Қаюмжон Боймиров. — Бир ўринга ўртача танлов 11,5 тадан иборат бўлди. Бундан ташқари, республикамиздаги 13 та олий таълим муассасасида 18 та янги таълим йўналиши очилди ва улар бўйича қабул квоталари белгиланди. Умуман, янги йўналишларга ҳам абитуриентлар қизиқиши юқорилиги қайд этилди.

Тошкент архитектура-қурилиш институтида ҳам 4 та янги йўналиш фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур олий ўқув юртида бугунги кунда эртамиз эгалари миллий меъморлик ҳамда замонавий архитектура санъати сир-асрорларини пухта эгаллаб келмоқдалар. Институтнинг бино ва иншоотлар қурилиши факультети декани Исломбек Алиевнинг айтишича, ушбу таълим даргоҳига 2016/2017 ўқув йили учун 5247 нафар абитуриентдан ариза келиб тушди. Олий ўқув юрти бўйича ўртача танлов 5,9 тани ташкил қилди.

Бу ерда тест синовидан муваффақиятли ўтган кўплаб йигит-қизлар, ота-оналарнинг хурсандчилигию ҳаяжонига гувоҳ бўлдик.

— Пухта билим олган, изланган ҳар бир ёш, албатта, ўз мақсадига эришар экан, — дейди Тошкент архитектура-қурилиш институти талабалигига муяссар бўлган чирчиқлик Билол Исломов. — Рўйхатда 28-бўлиб давлат грантига қабул қилинибман. Ниятим, келгусида Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшадиган мутахассис бўлиб етишиш.

Маълумот ўрнида билдирамизки, тест жавобларини олий ўқув юртига келмасдан ҳам билиш имконияти яратилган. Хусусан, абитуриентлар тест имтиҳонлари жавоблари билан нафақат махсус стендлар воситасида, балки “SMS” ва “Click” хизмати орқали ҳам танишишлари мумкин.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Нуронийларга байрам туҳфаси

Косонсой туманида Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси Марказий Кенгаши қошидаги “Қадрлаш” дам олиш маскани фойдаланишга топширилди.

ҒАМХЎРЛИК

Косонсой сойи соҳилида жойлашган ушбу муассасанинг сўлим табиати кишига ҳузур бағишлайди. Замонавий дизайн асосида қурилган масканда бир йўла 30 киши, ёзги дам олиш мавсумида 500 нафардан зиёд фахрийлар ҳордиқ чиқариши мумкин. Эътиборлиси, бир ва икки кишига мўлжалланган хоналарда барча шарт-шароит яратилган.

— Мазкур янги дам олиш маскани энг улуғ, энг азиз байрамга ўзига хос туҳфа бўлиб, мамлакатимизда кекса авлодга кўрсатилаётган эътибор, уларнинг соғлиғини тиклаш йўлидаги ғамхўрликнинг яна бир ифодасидир, — дейди меҳнат фахрийси Муфат ота Маматов. — Бу ерга юртимизнинг барча ҳудудидан ташриф буюрадиган нуронийларга Косонсойнинг тоза ҳавоси ҳамда шифобахш суви янада тетиклик бағишлайди, албатта.

Муассасанинг очилиш маросимида иштирок этган “Нуроний” жамғармаси Марказий Кенгаши раиси Ш. Усмонов ва бошқалар юртимизда кексаларни эъзозлаш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш борасидаги изчил саъй-ҳаракатлар ҳақида атрофлича тўхталдилар.

Санъаткорлар томонидан намойиш этилган концерт дастури тадбирга янада файз киритди.

Маросимда Наманган вилояти ҳокими Х. Бозоров сўзга чиқди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МАҲАЛЛА ТИНЧ — ЮРТ ТИНЧ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, ушбу ҳужжат билан ички ишлар идоралари фаолиятининг асосий йўналишлари белгиланиб, соҳа фаолиятини такомиллаштириш, хусусан, унинг таркибий тузилмалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, кадрларни танлаш ҳамда жой-жойига қўйиш, хизматни тўғри ташкил этиш каби йўналишларни янада яхшилаш мақсадида кенг қамровли чора-тадбирлар рўёбга чиқарилди.

Президентимизнинг 2001 йил мартдаги Фармони соҳа ислоҳотларида муҳим қадам бўлди. Унга кўра, тизимдаги жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш, тергов, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, патруль-пост хизмати ҳамда жамоат тартибини сақлаш, ёнғин хавфсизлиги, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари фаолияти янада такомиллаштирилди. Айниқса, тизимни ривожлантириш, моддий-техника таъминотини яхшилаш, жиноятчиликка қарши кураш борасида профилактика хизматининг ролини кучайтириш, кадрлар билан ишлаш, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган, 2007-2008 йилларга мўлжалланган дастурнинг ҳаётга татбиқ этилиши соҳа ривожида муҳим босқични бошлаб берди. Ҳозирги пайтда ана шу ҳужжат талаблари асосида терроризм, диний экстремизм, трансчегаравий жиноятлар, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши самарали кураш олиб борилмоқда. Айни чоғда жамоат тартибини сақлаш, инсон ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ҳам муайян ютуқлар қўлга киритилаётир.

Буни милиция таянч пунктлари фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Ислоҳотлар давомида 2001 йилда мамлакатимизда маҳалла ва қишлоқларда аҳолига хизмат кўрсатувчи милиция таянч пунктлари сонини 3400 тага етказиш режалаштирилган бўлса, бугунги кунда улар сони 3788 тага етди. Муҳими, уларнинг 77,5 фоизида турли тўгараклар, 79,3 фоизида кичик бизнес шохобчалари, 82,7 фоизида спорт майдончалари самарали фаолият юритаяпти. Уларда аҳоли, хусусан, ёшларимиз бўш вақтларини мароқли ўтказмоқдалар. Натижада жойларда ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятчилик ҳолатлари сезиларли даражада камайиши кузатилаётир.

Шу ўринда республикадаги барча милиция таянч пунктини локал ахборот тармоғига улаш ва улардаги ҳисобда турган жиноят содир этишга мойил шахслар, муқаддам судланганлар, яшаш жойидан узоқ муддатга чиқиб кетганлар ҳамда бошқа тоифадаги шахслар ҳақидаги маълумотлар бўйича тезкор ахборот алмашинувини таъминлаш мақсадида махсус дастур ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирги пайтда пойтахтдаги юздан ортиқ милиция таянч пунктлари шу тармоққа уланганини айтиш зарур.

Олиб борилаётган ана шундай саъй-ҳаракатлар туфайли профилактика хизмати тубдан янгиланди. Эътиборли жиҳати, зарур шарт-шароит яратилиб, соҳавий хизмат малакали кадрлар билан тўлиқ таъминланди. Шунга мос равишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Натижада жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш самарадорлиги ошди. Жорий йилнинг ўтган даврида 3 мингдан зиёд қишлоқ ҳамда маҳаллаларда биронта ҳам жиноят содир этилмагани ана шундан далолат бериб турибди.

Аҳолига самарали хизмат қилиб келаётган милиция таянч пунктларини ҳамда давлат ва жамоат ташкилотларининг фаол ходимларини аниқлаш, уларнинг илғор иш тажриба ҳамда услубларини кенг ёйиш мақсадида ҳар йили ўтказиб келинаётган “Намунали милиция таянч пунктлари” кўрик-танлови ҳам муҳим аҳамият касб этаётир.

Милиция таянч пунктларининг вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари олдини олиш ва ёшларни тўғри йўлга йўналтириш борасидаги фаолияти хусусида ҳам илиқ фикрларни айтиш мумкин. Бунда, айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 16 майдаги “Ижтимоий қўникма марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори дастуриламал бўлмоқда. Мазкур ҳужжатга асосан, милиция таянч пунктлари янги техника воситалари билан тўлиқ таъминланди, тизимдаги таълим муассасаларида малакали кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди, профилактика инспекторлари ҳамда жамоат бирлашмалари ҳамкорлигини яхшилаш механизми жорий этилди. Айни чоғда улар билан жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш, тергов аппарати, патруль-пост, йўл-патруль каби соҳавий хизматлар ҳамда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида изчил ҳамкорлик йўлга қўйилди. Ушбу саъй-ҳаракатлар самарасини ўлароқ, бугунги кунга келиб, милиция таянч пунктлари нафақат кўмакка муҳтож аҳолига амалий ёрдам берадиган, уларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қиладиган, қолаверса, болалар ва ёшларнинг бўш вақтини самарали ташкил этадиган муҳим маскан сифатида ҳам халқимиз эътиборини қозонди.

Жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда содир қилинган жиноятларни ўз вақтида фош этишда “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмаси вакиллари ва кенг жамоатчиликнинг ҳиссаси ошиб бораётгани қувонарли воқеликдир. Ахир халқимизнинг тинч яшаши ҳамда ишлаши таъминланаётгани, ёшларга тўғри тарбия берилаётгани ва профилактика инспекторларининг аҳоли орасига кириб, унинг қувончу ташвишига шерик бўлаётгани ҳар қанча мақтовга арзийдиган амалиётдир.

Таъкидлаш керакки, халқимиз турмуш даражаси ошиб борганида сайин кўчаларда автотранспорт воситалари сони ортиб, йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ масалалар кун тартибига чиқмоқда. Бу эса, ўз-ўзидан, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати фаолиятини ривожлантириш баробарида, унинг қонунчилик асосларини янада такомиллаштиришни тақозо этди. Шу боисдан ҳам 2011 йил 26 апрелда “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун қабул қилинди.

Унга биноан, йўл ҳаракати қоидабузарлиги учун жарима миқдорлари, транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш муддатлари оширилди, айрим ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик кучайтирилди.

Ҳозирги пайтда ходимларимиз шу ҳужжатдан келиб чиқиб, йўл-транспорт ҳодисаларини чуқур таҳлилдан ўтказмоқда. Аввало, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган зарурий чоралар кўрилаётир. Муҳими, ушбу саъй-ҳаракатлар туфайли йўл-транспорт билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисалар сони сезиларли даражада камайишига эришилаяпти.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари қарорига асосан, Тошкент шаҳрида йўл ҳаракати хавфсизлигининг компьютерлаштирилган бошқарув тизими жорий этилди. Бу тизим 120 та чорраҳадаги вазиятни юқори технологиялар орқали масофадан туриб, тўғридан-тўғри назорат қилиш имкониятига эга. Олинган барча видеомаълумот ёзиб борилади ва архивда сақланади. Дарвоқе, ушбу тизим шаҳримиз аҳолисига марказий диспетчерлик хизмати оператори билан товушли хабар ёки маълумот бериш учун алоқа ўрнатиш имконини ҳам яратади. Зарур ҳолларда, махсус хизматларни (тез тиббий ёрдам, ёнғин хавфсизлиги хизмати, ички ишлар идоралари ходимлари ҳамда ҳоказоларни) чақиришни таъминлайди. Мазкур қулайликлар йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Юртимиз тинчлиги ва осойишталигини мустаҳкамлашда ички ишлар идораларини юқори малакали, етук мутахассис кадрлар билан таъминлаш муҳим ҳамда тингловчилар учун барча шарт-шароит яратилди. Юртбошимизнинг 2004 йил июнь ойидаги Фармони билан ИИВ Академиясида Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларнинг ташкил этилиши бу борада муҳим омил бўлди. Шу даргоҳда таълим олган сержантлар бугунги кунда зиммаларидаги вазифаларни сидқидилдан бажариш баробарида, ўз билим ва маҳоратини сафдошларига ўргатиш орқали соҳа фаолияти самарадорлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Шахсий таркибни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, ходимлар маънавиятини бойитиш ҳамда дунёқарашини кенгайтириш масаласи ҳам доимий эътиборда бўлиб келмоқда. Зарур тайёргарликка эга ходимларимиз бор куч-ғайратини тинчлик ва осойишталикни таъминлашдек эзгу мақсадга йўналтириб, хавф-хатар ҳамда мураккаб вазиятларга қарамай, ўз зиммаларидаги масъулиятли вазифаларни шараф билан адо этмоқдалар.

Муваффақиятларимизда халқаро ҳамкорлик алоқаларининг ҳам ўзига хос таъсири бор. Айниқса, Ички ишлар вазирлиги томонидан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, БМТ Тараққиёт дастури ҳамда Халқаро Қизил хоч қўмитасининг минтақавий раҳбарлари ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Хельсинки фонди экспертлари иштирокида ўтказиб келинаётган турли семинар, тренинг ҳамда конференциялар ходимлар малакасини ошириш ва халқаро тажриба билан танишишда қўл келаётир.

Шу ўринда мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш йўлида фидойилик кўрсатган ходимларимиз давлат даражасида мунтазам рағбатлантириб келинаётганлигини ҳам мамнуният билан таъкидлашни истардик. Ўтган йиллар давомида 1,5 минг нафардан зиёд ходимларимиз давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлгани бунинг яққол далилидир.

Мухтасар айтганда, ички ишлар идораларида амалга оширилаётган ислоҳотлар халқимиз тинчлиги, юртимиз осойишталигини таъминлаш билан бирга, мамлакатимизни иқтисодий жиҳатдан юксалтириш орқали аҳоли турмуш даражасини янада оширишга хизмат қилмоқда. Бинобарин, тинчлик ҳамда осойишталик — бебаҳо неъмат. Шундай экан, бор билим ва маҳоратимизни, куч-ғайратимизни ана шу эзгу мақсад йўлида сарфлаётганимиздан бахтиёрмиз.

Адҳам АҲМЕДБАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири.

Хайрли ташаббуслар, эзгу амаллар

Шу кунларда юртимизнинг барча ҳудудида энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамаси фармойиши билан эълон қилинган ободонлаштириш ва тозалик ойлиги доирасида 20-21 август кунлари ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида кенг кўламли юмушлар рўёбга чиқарилиб, халқимизга хос эзгу амаллар ўз ифодасини топди.

УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, унинг ҳудудий тузилмалари, ҳамкор ташкилотлар томонидан ўтказилган ушбу тадбирда ҳудудлардаги тураржой мавзелари ҳамда аҳоли пунктлари, кўп қаватли бино ва ҳовлилар, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳу қабристонлар, ариқ-лотоклар, болалар майдончалари, кўчаю йўлаклар тартибга келтирилди. Дарахтларга шакл берилди. Айни чоғда ногирон, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган кам таъминланган оилаларнинг уй-жой шароитини яхшилашдек хайрли ишлар давом эттирилди. Эътиборлиси, ушбу тадбирларда 17 миллион нафардан зиёд юртдошларимиз, жумладан, 11 миллион 695 минг нафар ёшлар қатнашди.

— Ҳашар кунлари халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти янада яққол намоён бўлди, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг ўринбосари Д. Мирзажонова. — Мамлакатимиз бўйича маҳаллаларда 300 га яқин маиший хизмат кўрсатиш ҳамда савдо шохобчалари, спорт иншоотлари, гўзаллик салонлари, маҳалла гузарлари, шунингдек, янги фуқаролар йиғинлари идоралари, болалар спорт майдончалари фойдаланишга топширилди.

Мамлакатимизнинг бошқа жойларида бўлгани каби Қорақалпоғистон Республикасида ҳам ҳашар кунлари қатор янги иншоотлар очилди. Масалан, Нукус туманида йодланган ош тузи ишлаб чиқарадиган оилавий корхона иш бошлади. Банкнинг 50 миллион сўмлик молиявий кўмагида замонавий технология билан таъминланган ушбу корхона “Барака” ёзувли ихчам қопчаларда дастлабки маҳсулотларини аҳоли дастурхонига тортиқ қилди.

Хоразм вилоятидаги ўнлаб маҳаллаларда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчалари, спорт иншоотлари, гўзаллик салонлари, болалар майдончалари, фуқаролар йиғинлари бинолари ҳамда гузарлари қурилиши якунланди. Урганч шаҳридаги “Тозабоғ” ва “Янги ҳаёт” маҳалла фуқаролар йиғинлари бинолари, Боғот туманидаги савдо ҳамда маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ва тикувчилик цехи, “Деҳқонобод” маҳалласидаги “Боғот мебель жиҳоз” МЧЖга қарашли савдо ҳамда маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ана шулар жумласидандир.

— Ҳудудимизда умумхалқ хайрия ҳашари ниҳоятда ёқимли ва ҳосилдор бўлди, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Андижон вилояти бўлими бошқаруви раиси Қ. Ризаев. — Бир миллион 600 минг нафардан зиёд ҳашарчи саъй-ҳаракати билан 3 минг 279 гектар ер ободонлаштирилиб, 2 минг 400 километрдан зиёд ариқ тозаланди, 3 минг 800 тоннадан зиёд чиқиндилар белгиланган жойларга чиқарилди. Айни чоғда кам таъминланган оилаларнинг уй-жойлари ҳашар йўли билан таъмирлаб берилди.

Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманидаги Обод маҳалласи ҳудуди ҳашар кунлари янада кўркам бўлди. Гап шундаки, ҳашарчилар томонидан бир ярим километрлик лоток-ариқлар тозаланиб, кўчалар саранжом-саришта кўринишга келтирилди.

— Катта тўйлар олдидан ободонлаштириш ишларини амалга ошириш халқимизнинг азалий одатларидандир, — дейди мазкур фуқаролар йиғини раиси Т. Қодиров. — Ҳудудимиздаги ҳар бир хонадон аъзоларининг ҳашарда фаол иштирок этганлигида ҳам буни яна бир карра ҳис қилдик.

Ҳашар кунларида маҳалла муҳитида шаклланган ва тобора ривожланиб бораётган ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ҳамда тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиш каби халқимизга хос анъаналар янада кенг қулоч ёзди. Мамлакатимиз бўйлаб кексалар, ногиронлар, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларнинг уй-жойлари таъмирлангани ҳам ана шундан далолат беради. Ушбу тадбир доирасида кўмакка муҳтож оилалар, ногирон ва ёлғиз кексаларга моддий ёрдамлар ҳам кўрсатилди.

— Икки кун давомида 1135 та кам таъминланган оиланинг уй-жойини таъмирлашга кўмаклашилди, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти бўлими бошқаруви раиси Х. Эрматов. — Ушбу мақсадлар учун ҳомийларнинг қарийб 125 миллион сўмлик, фонд ҳудудий тузилмаларининг эса 18 миллион сўмликдан зиёд маблағлари йўналтирилди. Қолаверса, 211 нафар якка-ёлғиз қария ҳамда ногиронларга моддий ёрдам берилди.

Умумхалқ хайрия ҳашари мамлакатимизнинг барча ҳудудида юқори даражада ўтказилди.

Ободонлаштириш ва тозалик ойлиги давом этмоқда.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Самарқанд вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Самарқанд шаҳар СИБ томонидан ФИБ Каттақўрғон туманлараро судининг 2015 йил 20 ноябрдаги 1-3806-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Азимбеков кўчаси, 20-уйда жойлашган, умумий майдони 432,09 кв. м. бўлган офис биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 743 750 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 23 сентябрь куни соат 11.00 да «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Самарқанд вилояти филиали аукцион залида ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 21 сентябрь куни соат 18.00.

Мазкур кўчмас мулк билан тегишли шаҳар СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Самарқанд вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» «Кўксарой» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000604920609025, МФО: 00262, СТИР: 207122519.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Маҳмуд Кошғарий кўчаси, 58-уй.
Телефон: (0-366) 233-80-56.
www.1kms.uz E-mail: rieltsavdo@inbox.uz

Хизматлар лицензияланган. 1265Я/180

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Қашқадарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Қарши шаҳар СИБ томонидан Қашқадарё вилояти хўжалик судининг 2016 йил 16 апрелдаги 18-1604/3207-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қарши шаҳри, «Насаф нақшаб оқшоми» МЧЖга тегишли, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида жойлашган, умумий майдони 448,01 кв. м., қурилиш майдони 368,90 кв. м. бўлган, 27 хонадан иборат «Ёшлар маркази» биноси такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 311 250 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 6 сентябрь куни соат 14.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 2 сентябрь куни соат 18.00.

Мазкур кўчмас мулк билан тегишли шаҳар СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

Манзил: Қарши шаҳри, «Қарлиқхона» МФЙ, Тошсарой кўчаси, 20-уй.
Телефон: (0-375) 225-44-58.
www.1kms. uz

Хизматлар лицензияланган. 1263В/180

«AUTO TRADE COOPERATION» МЧЖ ***очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

2016 йил 9 сентябрь куни соат 12.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент вилояти хўжалик судининг 2016 йил 18 апрелдаги 11-1504/12952-сонли ижро варақасига асосан, Паркент тумани СИБ томонидан хатланган, Тошкент вилояти, Паркент тумани, Заркент қишлоғида сақланаётган, спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш технологик ускуналари такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 3 000 000 000 сўм.

Аукцион савдоси савдо ташкилотчисининг Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уйда жойлашган аукцион залида бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига қўйилган технологик ускуналар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган санадан бошлаб 5 (беш) банк куни мобайнида мулк учун тўловни амалга ошириши лозим. Талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ҳамда санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчисининг АТБ «InfinBANK»даги МФО: 01041, СТИР: 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт:

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати;

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ҳамда устав нусхаси, ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— хорижий юридик ва жисмоний шахслар — сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотнома.

Қўшимча хизматлар учун тўлов олинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.
Телефон: (+99895) 193-74-96. Электрон почта: info@auksion.uz

Гувоҳнома № 005148. 1268А/490

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги «Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, 2016 йилда академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежлари учун компьютер ва мультимедиа техникалари ҳамда ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари учун ускуна ҳамда дастгоҳлар харид қилиш ва таълим муассасаларига ўрнатиш бўйича тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон қилади.

Тендер савдолари очиқ турда ўтказилиб, унда академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежлари учун замонавий компьютер ва мультимедиа техникалари ҳамда ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари учун ускуна ва дастгоҳларни ишлаб чиқариш ҳамда етказиб бериш имкониятига, мулкчилик шаклидан қатъи назар, юридик мақомга эга бўлган барча етказиб берувчи корхона ва ташкилотлар, жумладан, кичик бизнес субъектлари иштирок этиши мумкин.

Мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари (ишларни бажарувчилар, хизматлар кўрсатувчилар) учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар қўлланилади.

Тендер савдоларида қуйидаги юридик шахслар иштирок эта олмайдилар:

— қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик босқичида бўлган;

— малакавий танлов учун барча зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;

— Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва унинг ҳудудий бошқармалари билан илгари тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларини зарур даражада бажармаган;

— мазкур эълон чоп этилган санага қадар 6 (олти) ойдан кам муддат ичида ташкил топган;

— буюртмачи — Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва унинг ҳудудий бошқармалари билан суд ёки ҳакамлик муҳокамасида иши кўриб чиқилаётган;

— тижорат ҳамда молия кўрсаткичлари бўйича тендер комиссиясининг талабларига жавоб бермайдиган;

— бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар олдида қарздорлиги мавжуд бўлган корхона ҳамда ташкилотлар.

Тендер савдосида қатнашмоқчи бўлган талабгорлар уларнинг тендер таклифлари солинган конвертлари очилишидан олдин тендер комиссияси томонидан малакавий танлов (квалификационный отбор)дан ўтказилади.

Бунинг учун талабгорлар тендер комиссиясининг ишчи органига тендер таклифлари билан бирга, алоҳида жилд (папка)да қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

— ишлаб чиқариш, сақлаш ва иш фаолияти учун ўзининг биноси, дастгоҳлари (ёки камида 1 йилга ижарага олган ишлаб чиқариш биноси, цехлари ҳамда дастгоҳлари) мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг асли ёки ўрнатилган тартибда тасдиқланган нусхаси;

— Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳудудий бошқармаларидан талабгор банкротлик жараёнида эмаслиги тўғрисида маълумотнома;

— давлат рўйхатига олувчи органдан талабгор тугатилиш ёки қайта ташкил этиш жараёнида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

— талабгорнинг юридик шахс, кичик бизнесга тааллуқли эканлиги тўғрисида давлат статистика органидан маълумотнома;

— Давлат солиқ инспекциясидан талабгорнинг тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон қилинган кунгача бўлган даврда бюджет ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалардан қарзи йўқлигини тасдиқловчи маълумотнома;

— талабгорга хизмат кўрсатувчи банкдан талабгорнинг тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон қилинган кунгача бўлган даврда асосий ва иккиламчи ҳисоб рақамлари, картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлигини тасдиқловчи маълумотнома;

— талабгорнинг тендер савдоларида қатнашиш учун таклиф этаётган маҳсулот намуналари ҳамда тегишли лотлар бўйича жиҳозлар каталогини ишчи органга тақдим этганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси.

Малакавий танловни ўтказиш тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги санасидан бошлаб 10 кун муддат ичида амалга оширилади.

Тендер савдолари натижаларига кўра, ғолиб бўлган корхона ва ташкилотлар жиҳозларни имзоланган шартномалар ғазначилик бўлимларида рўйхатдан ўтган санадан бошлаб 120 (бир юз йигирма) кун муддатда таълим муассасаларига етказиб беришлари шарт.

Тендер савдоларининг ўтказилиши тўғрисида қўшимча маълумот олиш учун тендер комиссиясининг ишчи органига эълон чоп этилган санадан бошлаб (шанба ва якшанбадан ташқари) тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги кунига қадар ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: 100095, Тошкент шаҳри, 2-Чимбой кўчаси, 96-уй, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази.

Телефон: (0-371) 246-12-40. Факс: (0-371) 246-12-74.

E-mail: sspo_taminot@markaz.uz

Лот №	Харид қилинадиган компьютер техникалари ва устахона жиҳозлари (лот) номи	Энг юқори қиймати (сўмда)
1	Чет тили хонаси учун компьютер ва мультимедиа техникалари	12 170 850 000
2	Компьютер ҳамда офис жиҳозларини таъмирлаш ва созлаш	6 155 720 000
3	Тикувчилик иши	3 349 316 300
4	Зардўзлик иши	1 545 702 400
5	Ландшафт-дизайн ҳамда ҳайкалтарошлик иши	1 571 426 200
6	Дастгоҳларда ишлаш	6 448 287 000
7	Электромеханик ва электрочилангарлик иши	2 479 598 800
8	Сув, газ таъминоти ва канализация тизимларини ўрнатиш, таъмирлаш	4 538 796 000
9	Электр тармоқлари тизимини таъмирлаш, монтаж қилиш ва жиҳозларига хизмат кўрсатиш	1 102 870 800
10	Автоматлаштирилган ускуналарни таъмирлаш ҳамда техник хизмат кўрсатиш	1 495 260 000
11	Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш	7 962 998 400
12	Электрогазпайвандлаш иши	6 556 320 000
13	Пол ётқизиш ишлари	2 772 883 600
14	Пардозлаш иши	7 236 187 200
15	Плита ва пардозлаш иши	2 754 175 000
16	СуваҚ-бўёқ ишлари	3 427 625 000
17	Чилангарлик иши	5 197 389 600
18	Ошпазлик иши	1 895 904 400

Харид қилинаётган жиҳозларнинг энг юқори (максимал) нархлари тўғрисидаги қўшимча маълумотларни Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг www.markaz.uz электрон сайтидан олиш мумкин.

Тендер ҳужжатларини сотиб олиш истагида бўлган талабгорлар ишчи органнинг қуйидаги махсус ҳисоб рақамига ҳар бир лот учун алоҳида 650 000 (олти юз эллик минг) сўм миқдорида қайтариб берилмайдиган тўловни амалга оширишлари шарт.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг реквизитлари:
Молия вазирлиги Ғазначилиги
х/р: 23402000300100001010,
ш/х/в: 40011086026280795010002 8001,
ҲККМ Марказий банк Бош бошқармаси,
МФО: 00014, ОКОНХ: 92120,
СТИР Ғазначилик: 201122919, СТИР ЎМКҲТ маркази: 202515618

Тендер таклифлари буюртмачи томонидан ҳар бир лот учун белгиланган максимал суммасининг 1 (бир) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат суммаси билан ҳар бир лот учун алоҳида (ҳар бир лот тақсимотига кўра алоҳида ўтказилади) кафолатланиши шарт.

Закалат пули тендер таклифларини топширишнинг охирги кунигача ўтказилиши шарт (барча тўловлар сўмда амалга оширилади).

Тўлов топшириқномасида ишчи органнинг номи кўрсатилган ҳолда, маблағлар юқорида келтирилган махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

Юқорида кўрсатилган закалат суммаси билан бириктирилмаган тендер таклифлари тендер комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Тендер таклифлари ишчи органга (ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларидан ташқари) юқорида кўрсатилган манзил бўйича 2016 йил 23 сентябрь соат 18.00 дан кечиктирилмасдан тақдим этилиши лозим.

Тендер таклифлари (конвертлар)нинг очилиши тендер комиссияси томонидан амалга оширилади ҳамда бу ҳақда ишчи орган томонидан талабгорга хабар юборилади.

Тендер таклифлари (конвертлар) очилишида талабгорлар вакиллари иштирок этишлари мумкин. 1270А/581

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси “O‘zbekiston MTRK Mediamarkazi” давлат унитар корхонаси директори вазифасини бажарувчиси Бахтиёр Солиҳовга онаси

Машкура СОЛИҲОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz 02

БУ — ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЮТУҒИ!

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Энди айтинг, агар мамлакатимиз мустақил бўлмаганида, юртимизда спортга, спортчиларга шунчалар эътибор қаратилмаганида, бундай ютуқлар қўлга киритилармиди?! Очиғи, буни тасаввур ҳам қилиб бўлмасди.

Истиқлол, шубҳасиз, барча соҳа қатори спортимиз учун ҳам юксалиш даври бўлиб, тарих зарварақларидан ўрин олмоқда. Хусусан, баркамол авлодни тарбиялаш масаласига давлат сиёсати даражасида аҳамият берилаётгани, жисмоний тарбияни оммалаштириш, болалар спортини ривожлантириш, ҳудудларимизда спорт инфратузилмасини шакллантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, сарфланаётган катта куч ҳамда маблағлар ўз самараларини бераяпти. Айниқса, "кичик Олимпиада" номини олган уч босқичли тизим — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада мусобақалари янгидан-янги номларни кашф этишга хизмат қилаётир. Мана шундай беллашувларда, спорт майдонларимизда маҳоратини оширган истеъдодли фарзандларимиз турли халқаро турнирларда қатнашиб, Ватанимиз номини янада улуғлашга муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Аслида ҳар бир спортчи учун Олимпиада ўйинларида қатнашишнинг ўзи катта орзу. Ана шу мақсадга етишиш билан бирга, медаль олишга муваффақ бўлган атлетнинг қалб кечинмалари, ҳис-туйғуларига қулоқ тутсангиз, дунёда ундан бахтиёр инсон топилмаса керак. Тўғри-да, жаҳон бўйича энг сара, энг тажрибали спортчилар йиғилган йирик анжуманда, кучли рақобат шароитида совриндорлар қаторидан ўрин эгаллаш осон иш эмас. Масалан, XXXI ёзги Олимпиада ўйинларида 206 давлат спортчиси иштирок этган бўлса, қарангки, 119 мамлакатнинг бирорта ҳам вакилига медаль насиб қилмади. Олтин медалларни қўлга киритган давлатлар сони эса янада камроқ — 59 та. Олимпия ўйинлари ватани ҳисобланган Греция 3 олтин, бир кумуш ва икки бронза медаль билан Ўзбекистондан қуйироқ, яъни 26-поғонадан жой олди. 1 миллиард 300 миллион нафарга яқин нуфусга эга Ҳиндистон 123 нафар спортчиси билан қатнашиб, атиги биттадан кумуш ва бронза медални қўлга киритди. Австрия, Финляндия, Португалия каби ривожланган давлатлар, бор-йўғи, биттадан медалга эга бўлди. Мана шу рақамларнинг ўзиёқ ўзбекистонлик спортчиларнинг XXXI ёзги Олимпиада ўйинларида эришган ютуқлари салмоғи нақадар юқори эканини яққол кўрсатади.

● *XXXI ёзги Олимпия ўйинларида спортчиларимиз умумжамоа ҳисобида 21-поғонадан жой олди. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон спорт делегацияси Осиё давлатлари орасида тўртинчи, МДҲ мамлакатлари ўртасида иккинчи, Марказий Осиё давлатлари ўртасида эса биринчи ўринни эгаллади.*

Бразилиядаги баҳсларда, айниқса, боксчиларимиз қайд этган натижа дунё оммавий ахборот воситалари нигоҳини ўзига қаратди. Чунки ушбу спорт тури бўйича Ўзбекистон умумжамоа ҳисобида Куба, Франция, Қозоғистон, Россия, Буюк Британия, АҚШ каби мамлакатларни ортда қолдириб, биринчи ўринни эгаллади. Ана шу ютуққа муносиб ҳисса қўшган Ҳасанбой Дўстматов, Рустам Тўлаганов, Шаҳрам Ғиёсов иштирокидаги беллашувларга газетамизнинг аввалги сонларида тўхталиб ўтгандик. Бу йигитлар ҳақида ҳали кўпдан-кўп мақолалар ёзилиб, кўрсатувлар, фильмлар тайёрланиши, жойларда учрашувлар ўтказилиши, шубҳасиз. Биз бу гал Олимпиаданинг сўнгги кунларида қатнашган вакилларимиз хусусида қисқача сўз юритсак.

Вазни 56 килограммгача бўлган боксчилар беллашувида спорт делегациямиз ҳисобига яна бир бронза медални Муроджон Аҳмадалиев туҳфа қилди. Муроджон ҳам — истиқлол фарзанди! 1994 йилда Наманган вилоятининг Чуст туманида туғилган. Унинг эришган ғалабасидан, аввало, яқинлари, жумладан, отаси Қаҳҳоржон ака, онаси Ойшахон опа Фаёзованинг боши осмонга етди.

— Бу ҳаётимиздаги энг унутилмас дамлардан биридир, — дейди Қаҳҳоржон Аҳмадалиев. — Ўзбекистон номини халқаро майдонларда янада улуғлашга ҳисса қўшаётган ёшларимиз қаторида бизнинг ўғлимиз ҳам борлигидан фахрланамиз. Унинг эришган ғалабаси — бутун юртимиз ғалабасидир!

Рио-де-Жанейрода тажрибали боксчимиз Бектемир Меликўзиев кумуш медални қўлга киритди. Фарғона вилоятининг Фурқат туманида туғилган бу йигит ҳали 20 ёшда. Аммо унинг ҳозиргача қўлга киритган ютуқлари анча салмоқли. Эътибор беринг, ўсмирлар ўртасида Осиё ва жаҳон чемпиони, II ўсмирлар Олимпиадаси ғолиби, катталар ўртасида Осиё чемпиони, жаҳон чемпионати совриндори. Яна бир диққатга молик натижаси шундаки, Бектемир "Баркамол авлод — 2014" спорт ўйинларининг ғолиби ҳам саналади. Мана, энди бундан кейин унинг ютуқлари ҳақида сўз юритилганда, "Олимпиада совриндори", деган таъриф қўшиб айтилади. Бектемир финалга қадар кечган беллашувларда австралиялик Даниэль Жейсон Льюис, ҳиндистонлик Кришан Викаш, мексикалик Узиель Родригесни мағлубиятга учратди.

— Бугунгидек бахт ва қувонч, фарзанди ортидан фахрланиб юриш мен қатори юртимиздаги барча оналарга насиб қилсин, — дейди Бектемирнинг онаси Наврўзахон Сулаймонова. — Ўғлим эришган муваффақият унга билдирилган юксак ишонч натижасидир. Ёшларимизга мана шундай кенг имкониятларни яратиб бераётган давлатимиздан жудаям миннатдормиз.

— Бектемир каби истиқлол фарзандлари эришаётган ютуқларда мамлакатимизда шакллланган уч босқичли спорт мусобақаларининг аҳамияти беқиёс, — дейди унинг илк устози Маъруфжон Аҳмедов. — Вақт ўтиши билан ушбу сиёсат нақадар тўғри ҳамда оқилона эканини ҳаётнинг ўзи исботлаяпти. Ўзбекистон — истеъдодлар Ватани. Ишончимиз комилки, навқирон авлод орасидан юртимиз байроғини баланд кўтаришга қодир яна кўплаб чемпионлар етишиб чиқади.

Яна бир иқтидорли боксчимиз Шаҳобиддин Зоиров XXXI ёзги Олимпия ўйинларининг олтин медалини қўлга киритди. Вазни 52 килограммгача бўлган спортчилар ўртасидаги финал баҳсида Шаҳобиддин россиялик Миша Алоянга ҳеч қандай имконият қолдирмади. Одатда, шоҳсупанинг бирор-бир поғонасига кўтарилган атлет мана шу маррага етишганидан қувониб, кўзларига ёш олади. Баъзан эса бунинг акси кузатилади. Мишанинг кумуш медални қабул қилиш чоғидаги ҳолати бунга мисол. Унинг кўзлари ғолибликни бой берганидан афсусланиб ёшланди. Спортнинг сирли олами шунда-да. Ғалаба кучлиларгагина кулиб боқади.

— Олимпиадада юртимиз спортчилари, хусусан, боксчиларимиз иштирокидаги ҳар битта баҳсни қолдирмай кузатиб бордим. Уларга астойдил мухлислик қилдим, — дейди икки карра жаҳон чемпиони, Лондон Олимпиадаси совриндори Аббос Атоев. — Чарм қўлқоп усталаримизнинг муваффақиятидан ҳаммамиз хурсандмиз. Спортчи бўлганим учун яхши биламан: ҳеч бир ютуққа ўз-ўзидан ёки осонликча эришилмайди. Бундай натижалар замирида мамлакатимизда спорт, айниқса, болалар спортига қаратилаётган юксак эътибор мужассам. Қувонарлиси, ҳозирданоқ жуда кўп ота-оналар фарзандларини бокс тўгаракларига етаклаб келишмоқда. "Ўғлимга бокс сирларини ўргатинг, келажакда у ҳам Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қиладиган зўр спортчи бўлсин", деган ниятда улар. Бу каби ижобий манзара деярли барча вилоятда кузатилаётганини эшитиб, яна бир карра қувондик. Бу вакилларимиз ғалабасининг кучи, таъсири, спорт — эзгулик элчиси эканининг ифодаси.

— Шаҳобиддин ўн ёшидан машғулотларимизда иштирок эта бошлаганди, — дейди Когон шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс мураббийи Истам Кабинов. — Ўша кезлардаёқ интилувчанлиги, меҳнаткашлиги билан ажралиб турарди. Шогирдим Олимпиада чемпиони бўлганидан фахрланаман. Финалда рўбарў келган россиялик спортчи Миша Алоян баҳсдан кейинги интервьюсида Шаҳобиддин ҳақида тўхталиб, унга "Ўз ишининг устаси" дея таъриф берибди. Рақибнинг тан олиши, баҳоси кўп нарсани англатади.

Муҳими шундаки, мактабимизда спортга меҳр қўйган иқтидорли ўғил-қизлар жуда кўп. Улар ҳам давлатимиз яратиб берган қулайликлардан оқилона фойдаланиб, келгусида жаҳон ареналарида, албатта, зафар қучишади.

...Ёдингизда бўлса, Рио-де-Жанейрода илк олтин медални боксчимиз Ҳасанбой Дўстматов қўлга киритганда унинг ғалабасидан таъсирланган яна бир чарм қўлқоп устаси Фазлиддин Ғойибназаров севинч кўз ёшларини тия олмаган эди. Қарангки, Фазлиддиннинг ўзи ҳам Олимпиада чемпионлигига эришиб, барчамизни ана шундай ҳаяжонга солди. У, ҳақиқатан ҳам, финалда жуда оғир жанг ўтказди. Чунки ҳал қилувчи баҳсдаги рақиби озарбайжонлик Лоренсо Колласо Сотомайор анча тажрибали, бўйдор, қўллари нисбатан узун спортчи эди. Шу жиҳати туфайли финалгача қийналмай етиб келган. Айтиш керакки, жуда кўп хорижий оммавий ахборот воситалари, мутахассислар Фазлиддиннинг имкониятини пастроқ баҳолашаётганди. Аммо ҳамюртимиз ана шундай тахминларга амалда муносиб жавоб бериб, муваффақият қозонишни уддалади. Унинг ғалабадан кейинги кўз ёшларга тўла ҳолати, устози билан бирга Ўзбекистон байроғини олиб, бутун майдон бўйлаб айлангани, тақдирлаш маросимида шарафига Ватанимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янграганда яна юзида акс этган ҳис-ҳаяжон, кўз ёши... Бу дамларни таърифлаш қийин. Ана ўша онни телевизор қаршисида томоша қилиб, Фазлиддинга қўшилиб сиз ҳам йиғлаганингиз рост. Бу, албатта, хурсандчилик ёшлари, ғалаба ёшлари, Ватанга бўлган муҳаббат ифодаси!



● *XXXI ёзги Олимпия ўйинлари давомида 27 та жаҳон ҳамда 91 Олимпиада рекорди янгиланди. Фахрланарли жиҳати, ана шундай муваффақиятга эришиб, дунё спорти тарихига кирганлар орасида Ўзбекистон фарзанди, оғир атлетикачимиз Руслан Нурудинов ҳам бор.*

— Хушхабарнинг қаноти бўлади. Бугун маҳалламизда, шаҳримизда ҳамма Фазлиддиннинг олтин ғалабаси, ўзбек бокс мактабининг мислсиз ютуғи ҳақида фахрланиб гапирмоқда, — дейди Бекобод шаҳридаги "Металлург" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нишонбой Раҳмонбердиев. — Бу ғалаба мамлакатимизда ёшларнинг ҳеч кимдан кам бўлмасдан ўсиб-улғайиши учун барча шарт-шароит яратилганининг ёрқин далилидир.

Беш нафар фарзандни тарбиялаётган Фазлиддиннинг ота-онаси — Ҳасанбой ака ва Малоҳат опа маҳалламиздаги энг намунали оила бошлиқларидан ҳисобланади. Маҳалладошимизнинг ғалабасини эшитиб, кўплашиб уларнинг хонадонига бордик, қутладик. Бу барчамиз учун энг улуғ, энг азиз байрам олдидан ўзига хос туҳфа бўлди.

Эркин курашчиларимиз ҳам бизга қувонч улашишди. Хусусан, 65 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида баҳрайнлик Адам Ботиров, Пуэрто-Рико вакили Франклин Гомес ҳамда мўғулистонлик Ганзоригийн Мандаҳнаранни енгган Ихтиёр Наврўзов XXXI ёзги Олимпия ўйинларининг бронза медалига сазовор бўлди. Ихтиёрнинг балки бутун фаолияти давомидаги энг эсда қоларли учрашуви, бу — Мўғулистон вакили билан кечган беллашуви бўлса керак. Мандаҳнаран "Спортда фақат ҳалол курашган кишигина ғалаба қозонади, ғирромлик, албатта, жазоланади", деган ҳаётий сабоқни шу Олимпиада мисолида англаб етган бўлса, не ажаб. Курашни ойнаи жаҳон орқали кўргансиз ва нима демоқчи бўлганимизни тушундингиз.

Яна бир эркин курашчимиз, вазни 97 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида қатнашган Магомед Ибрагимов Гвинея-Бисау вакили Бедопасса Жонде Буассатни, нигериялик Сосо Тамарауни, эронлик Ризо Муҳаммад Али Язданийни ҳамда украиналик Валерий Андрицевни енгиб, Олимпия ўйинларининг бронза медали билан тақдирланди.

Шундай қилиб, икки ҳафтадан ошиқроқ вақт мобайнида дунё аҳлига ҳаяжонли ва унутилмас онларни туҳфа этган XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари якунланди. Навбатдаги Олимпиада беллашувлари яна тўрт йилдан сўнг Японияннинг Токио шаҳрида бўлиб ўтади.

Шавкат ОРТИҚОВ.

Анвар ИЛЁСОВ («Жаҳон» АА) олган суратлар.

ЭЪЛОНЛАР

«Best realtor» МЧЖ
Наманган минтақавий филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Мингбулоқ тумани СИБ томонидан Наманган вилояти хўжалик судининг 2014 йил 15 декабрдаги 16-1407-13076-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани, «Гулбоғ» ШФЙда жойлашган, «Гулбоғ пахта тозалаш» АЖга тегишли қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Қурилиш ости майдони 376,96 кв. м., фойдаланиш майдони 871,40 кв. м. бўлган 2 (икки) қаватли маъмурий бино.

2. Қурилиш ости майдони 32,64 кв. м., фойдаланиш майдони 32,64 кв. м. бўлган бинога кириш айвони.

3. Қурилиш ости майдони 197,40 кв. м., фойдаланиш майдони 162,60 кв. м. бўлган 1 (бир) қаватли эски бошқарув биноси.

4. Қурилиш ости майдони 15,00 кв. м., фойдаланиш майдони 12,50 кв. м. бўлган қоровулхона биноси.

5. Қурилиш ости майдони 12,00 кв. м., фойдаланиш майдони 7,60 кв. м. бўлган ҳожатхона биноси.

6. Қурилиш ости майдони 16,10 кв. м., фойдаланиш майдони 16,10 кв. м. бўлган ёқилғи-мойлаш материаллари (ГСМ) бостирмаси.

Бошланғич баҳоси — 539 061 554 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 28 сентябрь куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 26 сентябрь куни соат 18.00.

Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Best realtor» МЧЖ Наманган минтақавий филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Наманган филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22604000800433601001, МФО: 00223, СТИР: 303179580.

Хизматлар лицензияланган.

Манзил: Наманган шаҳри, Бобораҳим Машраб кўчаси, 7-уй. Телефон: (0-369) 227-85-25.
www.emulk.uz E-mail: best.namangan@inbox.uz

12674,540

«AUTO GARANT BUSINESS» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

2016 йил 9 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Тошкент вилояти Пискент тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

● 2015 йил 2 мартдаги 1276/4-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Р 835 КА бўлган, «Matiz» русумли.

Бошланғич баҳоси — 14 868 000 сўм.

● 2016 йил 13 февралдаги 742/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 G 322 DA бўлган, «ВАЗ-21013» русумли.

Бошланғич баҳоси — 3 670 404 сўм.

● 2016 йил 11 февралдаги 689/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 M 485 DA бўлган, «ВАЗ-21013» русумли.

Бошланғич баҳоси — 1 687 751 сўм.

● 2012 йил 19 сентябрдаги 5893/94-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1978 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 X 66 05 бўлган, «ГАЗ-533» русумли.

Бошланғич баҳоси — 4 231 448 сўм.

● 2015 йил 18 февралдаги 1207-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1978 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 K 280 KA бўлган, «Москвич-412» русумли.

Бошланғич баҳоси — 1 264 453 сўм.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади.

Мазкур автотранспорт воситалари билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда «Auto garant business» МЧЖнинг АТ «Asia alliance bank» Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000904887305001, МФО: 01103, СТИР: 301829604.

Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.
Телефон: (0-371) 233-61-44. *Гувоҳнома № 004593.*

1271А/370

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 867. 76 092 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.15 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5 6